

1918 йили Туркистон Компартиясининг топширигига кўра, Фитрат (Шокиржон Рахимий ва Каюм Рамазон билан ҳамкорликда) дастлабки она тили дарслигини яратади (бу ҳақда «Иштирокиюн» рўзномасининг 1918 йил 1 май сонидан «Биринчи она тили курси» деган мақола ҳам чиққан). Кейинроқ олим бу соҳадаги ишларини мукамаллаштириб «Ўзбек тилининг сарфи» (грамматикаси)ни эълон қилади. Ўзбекистон Маориф нозирлиги томонидан тасдиқланган бу дарслик 1925—30 йиллар давомида беш марта нашр этилган. Фитрат асарлари ҳақида фикр юритилганда, унинг зуллисонайн экани қайта-қайта тилга олинади. Бу бежиз эмас. Фитрат икки халқ тақдирининг тарихи, бирлигини теран англади. Шунинг учун ҳам, у айрим асарларини тожик тилида ёзди. 1926 йили Тожик тили грамматикаси эълон қилди.

Фитрат ўзбек тилининг тарғиботчиси сифатида вақтли матбуот саҳифаларида мақолалар билан ҳам чиқди.

Устоднинг ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, ўзбек мусикаси ва Шарқ шахматига оид асарларини кузатганда ҳам, унинг нечоғли улкан тилшунос экани маълум бўлади. Бу фикрни тўлдириш мақсадида, Махмуд Кошгарийнинг машҳур «Девону лугатит-турк» асарини дастлабкилардан бўлиб, ўрганиб чиқиб, нашрга тайёрлаганини эслаш мумкин. Яна айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фитрат олтой тиллари гуруҳига қирувчи тиллар табиатини узок ўрганган ва 30-йилларнинг ўрталарида «Қадимги мўғул тили лугати»ни тузиб, нашрга тайёрлаган. Бирок бу асарлар ҳали эълон этилганича йўқ. Фитратнинг бундан 71 йил бурун эълон қилинган ушбу мақоласи тилимиз Ўзбекистон давлат тили мактабини олган ҳозирги пайтда ҳам долзарб ҳисобланади. Фитрат ўзбек тилининг, Навоий каби, араб ва форс тиллари унсурларидан тоза бўлиши учун курашган бўлса, кейинги йилларда уни Европа тиллари исқанжасидан қутқариш зарурати тугилмоқдаки, бу йўлда ҳам бизга Навоий ва Фитрат руҳи ҳамроҳ бўлмай.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

## ТИЛИМИЗ

Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили ёнахўл (яна шу) туркчадир. Бойларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлгон бир ишдир, бундан бурун бахтли эдилар деганлар тилимизнинг холини билмасдан гапирарлар.

Бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзнинг кўплиги (қасрати қалимот), ундирлик (ундириш) кенглиги (вусъати иштиқок), юсуп тугаллиги (мукамаллияти қавоид) билан бўлур. Туркчада сўз кўплиги борми?) (Арабчиларимизча айтганда, қасрати қалимот мавжудми?)

Бу сўз букун эмас, неча юз йил бурун ўрга чикмиш, дея Навоийнинг китоби туркчанинг бойлигини очибгина билдира олмаса хам, туркчада сўз кўплигини яхши биладир. Навоий ёлгиз йигламокнинг турларини кўрсататургон туркча сўзларнинг шунчасини ёзадир: Инграмок, синграмок, ингичкирмок, йигламок, йигламсинмок, ўкирмок, сиктамок.

Мана сизга бир ходисанинг етти тури учун отким, ораларинда ингичка айирмалар бордир. Туркчада бу хол оз эмас. Арабча нуфуз, мурур, убур; у тўгрисинда туркчамизда ўтмок, кечмок, ошмок, ортонмок бор. Арабча канд, азм, амал, каршусинда туркча тилак, истов, орхан бор. Арабча зарф ёнинда туркча идиш бор, совут бор. Арабча фанда манфаат ўрнинда туркча тосих бор, унум бор. Арабча калб ўтрисинда туркча юрак билан кўнгул бор. Арабча садр учун туркча кўкс ва кўкрак бор. Туркча лугат ёзмокчи бўлгонимда, туркча сўз бойлиги тўгрисида бундан ортик ёзолмайман. Сўзни туркчада ундирик кенглиги (яъни вусъати иштикок)га кўчираман. Илм ишининг туркчасидан ундирилган сўзлар шулардир: Бил, билгай, билажак, билгуси, билар, билса, билса-чи, билай, билди, билибдир, билган, била бошлади, била ёзди, била олди, била турди, била бержи, билиб, билгач, билгали, билмак, билиш, билув, билмов, билим, билги, билик, билмас, билмаслик.

Мана сизга ёлгиз феъллардан 13 феъл, кўшма феъллардан 6 феъл. Кўшма феъллардан хар бирининг буйруги бўлиши (феълнинг бўлишлилик категорияси), Холи, келажаги, шарти, кўзгови бор.  $13 \times 6 = 78$  бўлур. Бунларга уфт (феъллари — феълнинг замон категорияси), вакт, сабаб феъллари кўшилса, 81 та бўлур. Бунга Исм ва сифат ёзилгон 18 кўшилгонда 99 сўз бўлур. Бу 99-тасидаги сўз толлуги (ўзак маъносида) буйрукдир (яъни бил сўзидир). Демак, туркчада бир томирдан 98 сўз ундириг эмиш. Эмди юсуп тугаллигига (мукаммалияти кавоидга) бокайлик.

Араб, форс, рус, немис, франтсуз тилларидан кай бирининг сарф (грамматика) китобларини олиб карасак, кўрамизким, бир сўзни ясамок учун бир канча ёзилгон, ундан сўнг шул коидадан ташкари колгон (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларинда эса, бундай сўз топилмайдур. Юсупсизлик деган холлар туркча сарфда сира йўқдур. Тилимизнинг авжи тўгрисида хам бойлиги, тугаллиги билиндими? Эмди сўзни туркчанинг бахтсизликдан кутула олмамишдир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир. Туркчанинг бахтсизлиги араб боскини билан боғланмишдир. Араблар босдиклари (босиб олган маъносида) ўлкага ёлгиз хукуматларини эмас, динларини, йўсинларинида танитгон, олингон эдилар. Мусулмонликнинг туби, томири куръон билан хадисдир. Шунинг учун янги мусулмонлар арабча ўрганишни ўзларига важоб деб билдилар, ўкидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форсча ва туркча арабча бўғувига кириб колдилар. Форс тилининг хол бутунлай ёмонлашди. Форслар ўз тилларини ташладилар. Й

олгуз китобларини эмас, ўзаро ёзувларини хам арабча ёза бошладилар. Лекин бу иш кўп чўзилмади. Форс тили бир силкиниш билан ўзини араб бўғувидан куткара олди. Форс тилининг бу силкиниши Эрон шоири Фирдавсийнинг арабчаликка карши кайнаган, кизигон эронли бир миллатчи эди. Ўттиз йил тиришди, донгли «Шохнома» китобини ёзиб чикарди. «Шохнома» ёзиб чикарувдан Фирдавсийнинг иккита тилаги бор эди: Эрон улусининг арабдан совутиб, эронли туйгусини бермак ва араб тилини Эрондан суриб чикармок. Шунинг учун «Шохнома»нинг хар бир еринда эронлини мактаган шоир

арабликка келганда:

Захир шутур хўрдан сусимор,  
Арабро бажойи расидаст кор,  
Ки тахти Каянро кўнад орзу,  
Туфу, бар ту, чарх кардан туфу! —

деб кийкирмишдир. Бу сўзларнинг туркчаси шудир: Ту сути билан илон эти емакдан бошка иш билмаган арабнинг иши, шу ерга чикмишким, Эрон императорининг тахтини истайдилар. О, шу ишга сабаб бўлган фалак, туфу сенга, туфу!

Яна шунинг учундирки, Эронда арабча хоким бўлгон ир замонда ёзилгон «Шохнома»да арабча сўзлар йўк даражада оздир. Фирдавсий бу икки тилакни билиб, онглаб, ишга киришганини билдирмакчи ўлиб, ёзадирким:

Бас, ранж бурдам соли си,  
Амам зинда кардам ба дини форсий —

демишдир. Туркчаси: Бу ўттиз йил ичида кўп эмкардим (азоб чекмок), Эронни форсича ёзганим шу китоб ила тургиздим, демакдир. Форси ишда шундай килиб ёкасини куткормиш. Лекин, бизнинг бахтсиз туркчамиз бир Фирдавсий етиштира олмамиш. Дунёнинг энг бой тили бўлгон туркчамиз ёлгуз арабча кумруклар (зугум) билан эмас, форсича тепкилари билан дахи эзилмишдир. Кўзларимизни тўрт очиб карайлик, дунёнинг энг буюк хаками бўлгон Ибн Сино туркдир. Иккинчи Арасту атолгон Форобий туркдир. Араб тилини мангулик тиргизиб келган Жавхарий туркдир. Вахдати вужуд фалсафасининг имомларидан ўлган Жалолиддин Румий туркдир. Форсий адабиётнинг пайгамбарларидан бўлган Низомий дахи туркдир. Шу ерда отлари ёзилгон кимсаларда ёлгуз турк улусини эмас, бутун дунёнинг улуг кишилариндан эрурлар. Икки турк улуси бунларнинг асарлариндан оснилонолмай (ажралмок) колмиш, балки ўзларини хам яхшигина таниёлмай колмишдир. Бунлари ўз биликларини туркча ёзсалар эди, букун турк улусининг холи эхтимолки бошка турли бўлар эди. Бахтсизлик бунданда ортик бўлурмикан?! Турк ўгли турк бўлгон Махмуд Газнавий Фирдавсийни чакириб, турк эзилишини кўрсатган «Шохнома»ни ёздурсун, дея хар йўлига бир олтун берсун. Шу бахтсизликдирки, турк ўгли бўлгон усмонли хоконларига ўз туйгуларини форсича шеър билан сўй латми иедир.

Яна шул бахтсизликдирким: Кафказия туркларининг Каларин тутмиш дея форс тилининг хурматиучун саксон ёринда сўзи ўрнида хаштот дедирмишдир.

Туркча бахтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин битмамишдир. Битмас, яшамидир, яшар. Негаким, бойдир. Туркча яшамидир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тиллариндан куткара олурми, йўкми? Сўзни бу ерга етиргач, бармогимни яранинг ўзагина босмнш бўлдим. Бу сурдигимга икки турли жавоб келари белгиликдир. Ха, йўк. Эмди шу йўк деганлар билан юришайлик. Бунлар деяларким, туркча араб форс тиллариндан кутулолмас, нечун? Мана далиллари: а) чунки, араб, форс тиллари бойдир. Бунинг жавобини бердикким, туркча хам бойдир. Чунки, букунги турк дунёсининг билимли

улуғ ёзувчилари шу йўлга кирмишдир. Бунга жавоб берамизким: Турк дунёсининг улуғ хакамлари бўлгон Форобий билан Абу Али ўз асарларини арабча ёзмага кўл кўйган эдилар. Сиз нечун уларнинг изидан чикдингиз? Сиз Абу Али нинг изидан чикканда, бизда сизнинг изингиздан чика олсак керак; в) чунки, тилимизда кўп нарсанинг оти йўқдир. Жавобимиз: Бу сўздан тилагингиз нимадир? Шу чокда тилингиздаги араб, ф орс сўзларининг туркчаси топилмайдур демокчи бўлсангиз, сўзингиз янглишдир. Туркчани билмас экансиз. Ўрганинг. Хозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учу туркча топилмайдир, десангиз тўғридир. Биз хам уларн чикармоқчи эмасмиз. Унларни олурмиз, лекин ўзи мизники килурмиз. Туркчалаштирурмиз. Коиданинг туркчаси йўқдур. Сарфнингда туркчасин тополмадик Иккисин дахи олурмиз. Лекин, сиз каби Кавоиди сарфия демасдан, Сарф коидалари дермиз: е) чунки, илмий истилохларнинг туркчаси йўқдир. Ким деди буни? Шамсинг туркчаси куёшдир. Кавокибнинг туркчаси юлдузлардир. Меънодорининг туркчаси суюк ўтдир. Сахоби маъни— ёруг булут, хандаса — ўлчов хат чизик, зовия — бурчак, пучмоқдир. Кавохи собита тургувчи юлдуздир. Кавокибузгаиб — куйрукли юлдузлардир.

Тузук, бир неча истилохларнинг туркчасини б, кунгача тополмагонмиз, уларни саклармиз. Чунки, туркчамиз кабо (оркада)дир, дўкки (кўпол), адабиёт тили эмасдир.

Сўз бу ерга келдими? Чидамок кўлдан келмас. Каболик, дўккилик кўрсатмоқчи бўлиб деймизки: Сиз улусингизни севмайсиз. Шунинг учун турк улуси ва турк тилининг сиз билан иши йўқдир. Каршингиздаги кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, киларини киларлар. Мен улусимни жонимдан ортик севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари кўмучдир, (ёлгон). Тушунгизда сиз бир хотинни севсангиз, тиришиб, жон чекишиб, куч билан уйига кирибсиз, ёнига сукулгандан кейин, юзига караб: Мен сўзни кўп севаман, сиз кўн чиройлисиз, лекип шу кўзингиз кўп дўккидкр, шуни чикариб ташланг, бурнингиз ёмон ис берадир, шуни кесиб отинг, десангиз севгилингиз бўлгон хотин икки-уч таёк уриб сизни кувмасми? Албатта, кувар. Турк тилини севамиз, лекин тили кабодир, мусикаси тотсиздир, таризи коронгудир, деганларнинг хам бир-икки таёк еб, кувилмоқлари керақдир, лекин, турк тили бахтсиздир.

«Иштирокиюн» рўзномасининг  
1919 йил 12 июндаги 32 сони.